млн. сўмлик ноқонуний товар айланмаларини амалга ошириб, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган жами 2 млрд. сўмга яқин маблағларни тўлашдан бўйин товлал келган. Бундан ташқари ушбу гайриқонуний фаолияти давомида олган даромади асосида банк муассасалари орқали молиявий операцияларни амалга оширган. Шунингдек, М. Тўракулов Тошкент шаҳридаги «Труба заводи»нинг банкдаги ҳисоб-рақамига 700 млн. сўм маблағ кўчириб, ушбу маблағ эвазига умуман товар олмасдан, номаълум кимсаларга бўш, ҳеч нарса ёзилмаган ишонқоғози ва ҳисоб-варақ фактураларга имзо ҳамда муҳр қўйиб берганлиги, 5-6 фоизга нақдлаштириш билан шугулланганлиги аниқланди.

Мазкур ҳўлат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни олдини олиш, коррупция ҳўлатларини фож этиш юзасидан олиб борилган тезкор таҳлилий ишлар натижасида 3 та ҳўқимият, 14 та банк, 2 та божхона ходимлари ва 2 та бошқа муассасалар мансабдор шахсларига нисбатан 13 та жиноят ишлари қўзғатилди. Айбдор шахслар томонидан давлат бюджетига 33,7 млн. сўмлик зарар етказилганлиги аниқланиб, шун-

дан 25,7 млн. сўми ундирилиб олинди.

Шунингдек, бошқарма ходимлари томонидан вилоят МХХ ходимлари билан ҳамкорликда Гиждувон туманида ўтказилган тезкор тадбирда Навоий вилоятида яшовчи фуқаролар И. Раимов, Ж. Маҳмудов ва Д. Қосимовалар 332,3 гр. олтин кукунининг бир граммни 21 минг сўмдан жами 6,9 млн. сўмга сотаётган вақтларида ушланиб, ҳўқуқбузарлардан ушбу олтин кукуни олиб қўйилди.

Бошқарма томонидан қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунларнинг бажарилиши, хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан 2007 йил 1-ярми мобайнида 39 та жиноят ишлари ва 1 та маъмурий ҳўқуқбузарлик аниқланиб, ўзлаштирилган 1000 литр ёнилиги маҳсулотлари, 14 минг 300 кг. минерал ўғитлар, 30 минг 40 кг. пахта хом ашёси ҳамда турли ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан етказилган 118,6 млн. сўмлик зарар аниқланиб, шундан 103,3 млн. сўми ҳўқуқбузарлардан ундирилди.

Бошқарма томонидан 2007 йилнинг 1-ярми давомида аҳолининг ҳўқуқий савдохонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳўқуқий онгини мустаҳкамлаш ва ҳўқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини тушунтириш бўйича жами 889 та профилактик тадбирлар амалга оширилди. Булар натижасида бюджетга ихтиёрий равишда 255,9 млн. сўм тўланишига эришилди.

Ҳозирги кунда бошқарма томонидан молия-иқтисодий, солиқ соҳаларида содир этилган ҳўқуқбузарликларни аниқлаш, яширин иқтисодий фаолият билан шугулланувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини фож этиш бора-сида чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ушбу тадбирлар асосида ишлар олиб борилмоқда.

**А. ХАМРОЕВ,**  
Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖДЛКК департаменти Бухоро вилоят бошқармаси бошлиги ўринбосари



— Максуд Очилов, жорий йилнинг 1-ярми ҳам низолисига эди. Тахлиллар ҳақида нима ҳам дей ола- сиз?

— Бошқарма ва ҳудудий бўлим- лар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Агар тахлилларга тўхтайдиган бўлсак, ўтган 6 ой давомида 322 та жиноят иши, 171 та маъмурий жавобгар- ликка доир ишлар кўзга тушди. Жами 2 млрд 168,5 млн. сўм етказилган зарар аниқланиб, 1 млрд 548 млн. сўм молиявий жарималар қўлла- нилди. Шулардан 388 млн. сўм ет- казилган зарар, 814,4 млн. сўм ХМХ, 63,7 млн. сўм молиявий жарим- лар ундирилди. Ҳуқуқбузарлар- дан 739,7 млн. сўмлик товар-мод- дий бойликлар, жумладан 17,3 млн. сўмлик спиртли ичимликлар, 10,7 млн. сўмлик тамаки ва 711,7 млн. сўмлик бошқа турдаги махсулот- лар олиб қўйилиб, шундан 232,7 млн. сўми сотилган ва маблағлар

тидди. Аниқланган қонунбузарлик- лар натижасида 405,2 млн. сўм зарар аниқланиб, 116,9 млн. сўми ундирилди.

Жумладан, яқинда бошқарма- нинг «Ҳужжатли текширишлар» бўлими ходимлари тахлилий асоси- да Бўжа туман ижтимоий таъминот бўлимида текшириш ўтказилганда, бўлим мансабдор шахслари туман- даги фермер хўжаликлари ва бош- қа ташилот раҳбарлари билан ол- диндан жиноий тил бириктириб, касаллик варақалари, бола туғил- ганлик ва нафақа чиққанлик ҳақида- ги ҳужжатлари сохталаштириб, жами 17 млн. 506 минг сўми ўзлаштирилганлиги маълум бўлди.

— Йириги цехларда ишлаб чи- қарилаётган сифатсиз махсулотлар нисон саломатлиги учун зарар экан- лиги ҳаммага маълум. Шунга қара- май баъзи юртошларимиз бундай махсулотларни харид қилмоқда.

— Фикрингизга қўшилиман. Бош-

санқдан ўтказилганда 621 тонна 619,6 млн. сўмлик тола, 530 тонна 67,5 млн. сўмлик лент, 224 тонна 9,8 млн. сўмлик чигитдан камомад борлиги аниқланди. Бюджетта 1 млрд 35 млн. сўм қўшимча солиқ ҳисобланди.

— Кетар пулга эгаси сабабчи деганларидай баъзи юртошларим- из валюта айрибошлаш шахобча- сига бориш унинг пулларни кўта- риш, ўзини «қора бозор»га урмоқ- да. Охири-оқибатда боридан ҳам айрилиб қолмоқда.

— Бу фикрингизда жон бор. Бази фуқаролар «қора бозор»да валюта айрибошлаш қонунга зид эканини била туриб, бундай ҳуқуқбузарлик- ларга қўл ураётди. Натижада бори- дан ҳам айрилиб қолишмоқда. Бу йўналишда жорий йилнинг 1-ярми- да 22 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 12 та жиноий ва 10 та маъмурий жавобгарликка оид иш кўзга тушди. Ҳуқуқбузарлардан 19 минг 680 АҚШ

ли «Фронт Офис» менеджери ҳамда кредит комиссияси аъзоси лавози- мида ишлаб келаётган Д.Рихсибо- вев 14 млн. сўмлик уй-жой кредити берилишини тезлаштириб бериш эвазига таъмағирлик йўли билан 500 минг сўми пора тарихисидан олаётган вақтида ушланган. Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тутилган.

— Ҳуқуқ бор жойда масъулият ҳам бўлиши керак. Лекин айрим тadbиркорларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмади-ю, зиммасидаги мажбуриятни унутиб қўлди.

— Тўғри. Баъзи кўштирноқ ичи- даги тadbиркорлар фақат ўзини ўйлаб, қандай бўлмасин пул то- пишга ҳаракат қилади. Бу уларнинг қонунга амал қилиб, фаолият кўрсатиши тарафдоримиз. Шу боис жорий йилда текширишлар сони ўтган йилнинг олти ойига нисбатан 126 тага камайtirилган. Бошқарма томонидан текширишлар асосан солиқ тўлашдан бўйин товлашга ва

## Доимий эътиборда

«Ассалому алайкум Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидjon Қодиров!» — деб бош- ланади Республика Бош проку- ратурасига келган бир мактуб, — мурожаатимиз ижобий ҳал этил- ган учун Сизга Волтавлар оила- си номидан чукуч минтақадорчилик билдирилди. Негаки, автомашина олиш учун бир-неча идораларга қилган мурожаатимиз ҳал этил- май келаётган эди. Фақат проку- ратурага қилган мурожаатимиз- дан кейингина автомашина олишга муваффақ бўлдик...

Сизларга қонун устуворлигини таъминлашдек машаққатли ва са- вобли ишингизда муваффақият тилаймиз».

Республика Бош прокурату- расига худди шунга ўхшаш мини- натдорчилик мактублари кўп- ланади. Прокуратура органи- нинг асосий вазифаси аввало, фу- қароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик- лари, жамият ва давлат манфаат- ларини ҳимоя қилиш экан, фу- қаролардан келган ҳар бир ариза эътиборсиз қолмайди. Улар қонун нуқтати назаридан ўрганилиб, ижобий ҳал этилмоқда. Бу билан адолат тикланиб, кўпчиликнинг оғриги енгил бўлмоқда.

Тахлилларга назар ташласак, жорий йилнинг олти ойида про- куратура органиларига 42 мингдан зиёд хатлар келиб тушган ва улар- нинг 20 мингга яқини ижобий ҳал этилган. Шунингдек, фуқа- роларни меҳнат жамоаларида, ўқиб ва яшаш жойларида қабул қилини, кўтарилган муаммолар- ни жойида ҳал этишга ҳам ало- ҳида эътибор билан қаралмоқда. Ўтган даврда прокуратура ходим- лари томонидан 10 мингдан зиёд фуқаролар меҳнат жамоаларида қабул қилиниб, бу кўрсаткич 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 18,7 фоизга ошди.

Ш.ҚАҲҲОРОВ,  
Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори

# Қонун олдига барча тенг

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи Максуд МУСТАФАЕВ билан сўхбат

давлат бюджетига йўналтирилган. Жумладан, Зағзиота тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, ноқонуний равиш- да Қозғовгон Республикасида айлан- ма йўллар орқали Ўзбекистон Республикасига олиб ўтилаётган катта миқдордаги контрабанда то- варлари ушлаб қолинди. Туман ҳуду- дида ҳарақатланиб келаётган «КамАЗ» русумли, давлат рақами 10 P 7031 бўлган автоулов тўхтати- либ, юкхона кўздан кечирилганда, унда 22,5 млн. сўмлик машиий тех- никалар, 15 млн. сўмлик канцеля- рия, 53,9 млн. сўмлик парфюмерия, 1,3 млн. сўмлик матолар, 191,3 млн. сўмлик уяли телефонлар ва бошқа товар моддий бойликлар борлиги маълум бўлди. 15 млн. сўмлик «КамАЗ» ҳамма юклари билан далилий ашё сифатида олинди.

— Қонунбузулишларни фош қилишда тезкор-таҳлилий ишлар- нинг ўрни беқисс. Бу борадаги иш- ларнинг натижалари қандай самара бермоқда?

— Жорий йилда амалга оширил- ган 38 та тезкор таҳлилий ишлар натижасида 38 та жиноят иши кўзга

қарма томонидан яширин цехлар ва уларнинг фаолиятига шароит яратиб бераётган каналларни аниқ- лашга эътибор қўйилмоқда. Жорий йилнинг 6 ойида 17 та яши- рин цех фаолияти фош этилиб, улардан ноқонуний ишлаб чиқари- лган 10,3 млн. сўмлик махсулотлар олиб қўйилди. Шулардан 19 та жи- ноят ва 6 та маъмурий жавобгар- ликка доир ишлар кўзга тутилди. Яши- рин цехларнинг 13 таси спиртли ичимликлар, 4 таси пахта ёғи ва 8 таси бошқа махсулотлар ишлаб чиқариши билан шуғулланганлиги аниқланди.

Ҳўш, яширин цехларни кимлар ташкил қилмоқда? Уларни кимлар хомашё билан таъминлаётми? Яқин- да Бекобод тумани бўлими ходим- лари томонидан «Далварзин пахта тозалаш заводи» АЖда ўтказилган тадбирда, бунга оидинлик киритил- ди. АЖ ходимлари А.Жаббаров ва Д.Бойқўзиёевлар яширин мойжуво- зарларни чигит билан таъминлаб кел- ганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Далварзин пахта тозалаш заводи» АЖ омборхона- ларида тайёр махсулотлар қолдиғи

доллари, 1480 Россия рубли, 19

мильон сўм олинди. Жумладан, Ўртачириқ туманида ўтказилган тадбирда ана шундай ҳуқуқбузарлик фош этилди. Фуқаро З.Азизовнинг аризасига кўра Тўйтепа шаҳрининг Стадион ма- ҳалласида яшовчи фуқаро К.Заи- ровнинг уйда ўтказилган тадбир- да у З.Азизовга 3800 АҚШ долла- рининг ҳар бир долларини 1260 сўмдан ҳисоблаб, жами 4 млн. 788 минг сўмга сотаётганда ушланган.

— Айрим солиқ, банк ва маҳал- лий ҳокимият идоралари ходимла- рининг порахўрлик қилаётгани ҳақида эшитиб қоламиз. Жиноят- нинг ана шу турини фош қилиш борасида қандай ишлар қилинмоқ- да?

— Бундай жиноятларни ўз вақти- да аниқлаш ва бартарлаб этишга қаратилган тадбирлар давомида 1 нафар маҳаллий ҳокимият, 1 на- фар солиқ, 5 нафар банк, 1 нафар ички ишлар ходимларига нисбатан 9 та жиноят иши кўзга тутилди.

Ўтказилган тадбир давомида АТ «Ҳамкорбанк»нинг Янгийўл филиа-

давлат мулкани талон-тарож қилиш- га шароит яратиб бераётган хўжа- лий юритувчи субъектларда ўтка- зиш ташкиллаштирилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида бошқарма ва ҳудудий бўлимлар то- монидан жами 875 та ҳуқуқ-тарғи- бот ишлари олиб борилиб, мабу- отда 40 та, радиода 141 та, телеви- дениеда 147 та чиқишлар ташкил этилди. 547 мартаба маъруза, сўх- батлар ўтказилди. Президентимиз Ислам Каримов Олий Махлис Қон- нуналик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида «Бу идораларнинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашга эмас, балки, энг муҳими, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадига солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу бора- даги билимларини оширишга кўмак- лашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборатдир», деб таъкидлаганди. Дарҳақиқат, юрт- бошимизнинг ана шу сўзлари биз учун дастуриламал бўлади.

Сўхбатдош:  
Шаҳзод САМИДЖОНОВ

**Ҳукм ўқилди. Косон шаҳрининг Нартибаланд маҳалласида яшовчи Ғолиб Шодиев қилмишига яраша жазосини олди. Аммо қайсибир саволлар жавобсиз қолгандек тўловлардан, кишига. Наҳот- ки, одамзод шу қалар тубанликка борса?! Наҳотки пул, мол-давлат деб инсоннинг жонига қасд қилишгача борадиган разиллар сизу биз яшаётган жамиятда тарбияланган бўлса?! Бу саволларга ҳар кимнинг ўзи жавоб изламоғи керак.**

шарбатхонага кириб, поччаси Б.Умедов билан бирга ароқ ичди. Кейин бошқа қариндошлари билан улфатчилик қил- ди. У тўйда ичиб ўтириб, поччасининг хонадонига ўғирликка кириш режаси- ни миёсида «пишитиб» олди: «Поччам 2-3 йил ичида жуда бойиб кетди. «Нек- сия» олди, уйини евроморемонт қилди», ўйлади у. — Пули кўп. Пулини қарда сақлашини ҳам биламан. Ҳозир поччам ҳам, қизлари ҳам — барча оила аъзолари тўйда. Пайтдан фойдаланиб қолиш ке- рак...»

Ароқдан бўккан Ғолиб тўйхонадан чиқиб Регзор маҳалласи томон йўл олди.

ни шу ерда сақлашини биларди, хона- донда бўлган тўй пайти уй эгалари ётоқ- хонадан пул олиб чиқишганини кўрган эди.

Ётоқхонанинг эшиги кулф эканли- гини кўрган ўғри ойнаванд эшикнинг юқори қисмидаги ойнани стул билан уриб синдириди. Лекин ҳосил бўлган те- шикдан сигмаганлиги боис арматурадан ясалган тандирқосовни келтириб эшик ромларини ҳам синдириди ва уйга кириб пулни қидира бошланди. Хонадаги шаф- фада иккита жомадон бўлиб, биттаси пулга тўла экан. Ўғри жомадонни олиб жўнаб қолди.

Ғолиб пул солинган жомадонни ўз ҳовлисининг орд томонига яшириб, уйи- га кирди, кийимларини алмаштирди. Сўнг жойига ётиб, галдага «ҳарақат режаси»ни тузди. Пулни қарда сақла- ша бўлади. Хотини тонг саҳарда савдо қилиш учун бозорга кетгач, бирова сездирмас- дан жомадондаги пулларни халтага жой- лади, жомадонни эса ҳовлидаги чуқурга ташлади. Сўнгра катта йўлгача пайда чиқиб, «Москвич» русумли сариқ рангли такси машинасига ўтириб, синфлони То- жиддинниқига борди. Тожиддин халта кўтарган Ғолибнинг кўзлари бежолли- гини сезиб «Бу нима?» деб сўради.

— Пул, — деди Ғолиб, — ҳозирча сеникида тура турсин.  
— Қардан олдинг?  
— Ўғирлик қилдим.

— Эгасига қайтариб бер, — деди ўртоғи ўғирликнинг охири хўрлик билан туғаш- га ишора қилиб.

— Бунинг иложи йўқ, — деди Ғолиб атрофга аланглаб. — Мастликда пул учун одам ўлдириб қўйдим.

— Ундай бўлса пулингни ол-да, ўзинг ҳам бу ердан кет, — деди ўртоғи қатъий. Ғолиб халтасини ортомқлаб, ўзини кутиб турган такси билан уйига қараб кетишга мажбур бўлди. У такси ҳайдо- вчисидан кутиб туришни сўраб, пул тўла халтани ўз уйининг ертўласига яширди. Пулдан 100 минг сўмини олиб, шу так- сизда Косон дехқон бозорига келди ва бу

# САБР-ҚАНОАТ УНУТИЛСА...

Ғолиб Шодиев ўттиз ёшни қаршила- ган. Унинг Т-28 русумли шахсий тракто- ри бўлиб, судда ўзининг айтишича, ки- рақашлик билан шуғулланиб, кунига 15-20 минг сўм пул топган. Турмуш ўртоғи Нилуфар ҳам меҳнатқаш, рўзғорни яхши тутди. Бири олти ва иккинчиси саккиз ёшда икки нафар уяли бор. Демак, кира- қашликдан топгани билан бемалол рўзгор кечирса бўларди.

Агар инсон сабр-қаноатни унутса, унга ҳамма нарса камдек тўловлардан, бошқаларнинг борини кўролмай ҳасад балосига йўлқачди. Ғолиб ҳам рўзгорин- нинг кам-кўстини ўйлаб, хаёллар оғушида юрганида тоғасининг хонадо- нинда тўй бўлди. У наҳотки ошга бориб тўйда хизмат қилди. Кечқурунги бам- да ҳам қатнашди. Базм қизиган пайти

Тошкент кўчасидаги 1-уй ёнига бориб, ҳовли деворидан яширинча ошиб ўтди. Уйда кимдир борлигини сезди. Бу — поччасининг хонадонига кириб-чиқиб юрадиган Абдусалом бобо эди. Бобой- нинг рўзгор ишларига қарайиб юрган- лигини Ғолиб илгари ҳам бир неча бор кўрган эди. У «режаси» бузилишидан ач- қиланиб, шу ердаги стол устида турган пичоқни олди ва чол томонга пусиб борди. Бехосдан қорнига пичоқ урилган чол «лод» деб бақирди. Кўзи қонга тулган босқинчи қўли билан чолнинг оғзини ёпиб туриб, ерга ётқизди ва бўйнига пичоқ тортиди. Кейин кўкрагига тиг урди. Бобо «тинчиб» қолгач, қотил қонли кўлларини диван суянчигида тур- ган сарғиш рангли костюмга артиб ётоқ- хона томон юрди. У поччаси ўз пуллари-

Ш.УМИРЗОҚОВ,  
Косон туман прокурори

## Дарфур томон



31 июл куни БМТ хавфсизлик кенгаши бир овоздан Суданнинг Дарфур вилоятига тинчликни қарор топтириш учун БМТ ҳамда Африка иттифоқи бирлашган ҳарбий қўшинини киритишга қарор қилди.

1969 йили Буюкбритания, Бельгия, Конго, Франция, Италия ва Словакия давлатлари томонидан биргаликда ишлаб чи-

қилган резолюцияси БМТ ҳамда Африка Иттифоқи бирлашган қўшинларига Судан шарқига кириш ҳуқуқини беради. Бирлашган қўшин сони ушбу резолюцияга мувофиқ 26 минг кишидан ошмаслиги керак.

«UNAMID» номини олган мазкур қўшин, аввалдан бу ерда бўлган, лекин қузатувчиларнинг фикрига қўра, тинчликпарварлик

функцияларини бажара олмаган Африка иттифоқининг етти минглик ҳарбий контингентини алмаштиради. Эслатиб ўтамиз, Суданнинг Дарфур вилоятида анча вақтдан буён турли гуруҳлар ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этиб келяпти. Ушбу қарама-қаршиликлар натижасида Суданнинг ўн минглаб тинч аҳолиси қурбон бўлган.



## МЕРДОКНИНГ ХАРИДИ

«Dow Jones» раҳбарияти компания медиамагнат Руперт Мердокка сотилганлигини маълум қилди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Dow Jones» компанияси акцияларининг асосий қисми Мердокка 5 миллиард долларга тушган. Таъкидлаш керакки, Руперт Мердок «Dow Jones»ни сотиб олиш тақлифи билан 2007 йилнинг баҳорида чиққан. Бироқ, унинг 64 фоиз акцияси эгдари саналган Бэнкфордлар оиласи ба масалда анчадан бери бир фикрга кела олмаганди. Ушбу компанияга АҚШда иқтисодий наشرлар орасида етакчилик қиладиган «The Wall Street Journal» наشري ҳамда «Barrons» ва «Smart Money» журналлари кирди. Шунингдек, компания «Dow Jones» номини олган биржа рейтинг гуруҳлари ва «Dow Jones News wires» янгиликлар агентлигига ҳам эгалик қилади.

## «McLaren»га қарши



Автоспорт халқаро федерацияси раҳбари Макс Мосли санаот жосулиғи билан боғлиқ ишни FIAning апелляциясига жўнаштига қарор қилди. Мазкур ишда «Ferrari» гуруҳи ўзининг асосий рақиб бўлиши «McLaren» жамоасини жосулликда айблаган. Бу инстанцияда автоспорт бўйича Бутужахон кенгаши томонидан инглиз жамоасини жазосиз қолдириш хусусида чиқарилган қарор ўзгартирилиши мумкин, деб ёзади «Autosport» наشري. Мосли, Италия автоспорти федерацияси президенти Луиджи Макалузодан тергов ҳаракатларини давом эттириш зарурлиги тўғрисида олган хатидан сўнг ушбу қарорга келган. Апелляция судида «Ferrari» жамоаси рақибларининг айбини исботлайдиган далилларни тақдим этиш имкониятига эга бўлади. Суднинг биринчи йиғилиши август ойининг охирида Парижда ўтказилиши режалаштирилган. Гап шундаки, «McLaren» жамоасининг бош-дизайнери Майк Кофален кўлига «Ferrari» жамоасига тегишли махфий ҳужжатлар тушиб қолган. Италия жамоасининг таъкидлашича, рақиблар кўлида бундай ахборот бўлиши жаҳон чемпионати кечишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, «Кумуш ўллар» жамоаси 26 июлда ўтказилган автоспорт бўйича Бутужахон кенгашининг йиғилишида ушбу маълумотларни Кофален бошқа ҳеч ким билмаганлигини исботлаб беришган эди. Шундай бўлса-да, «Ferrari»чилар бу қарордан норози. Фақатгина апелляция суд қарори бу низога барҳам бериши мумкин.

## ОПЕРАЦИЯ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

31 июлдан 1 августга ўтар кечаси Буюкбритания армиясининг Шимолий Ирландияда 38 йил давом этган операцияси аяқунга етди.

«BBC News» ахборот агентлигининг хабар беришича, бу вақт мобайнида Британия ҳарбийлари маҳаллий полициячиларга хуудда тартибни сақлаб туришга кўмаклашган. Мазкур компанияда ҳамми 300 минг ҳарбий иштирок этган. Буюкбритания армиясининг асосий кучлари Шимолий Ирландиядан чиқарилган, уерда айнаи дамба фақатгина беш минг нафар

ҳарбийлар қолган, холос. Тез кунларда улар ҳам ушбу хуудни тарк этишади. Эндиликда, ички хавфсизлик масалалари билан маҳаллий полициячилар шуғулланишади. Буюкбританиянинг Шимолий Ирландиядаги қўшини қўмондонигенерал Ник Паркернинг таъкидлашича, амалга оширилган операция хуудда сиёсий мувозанатни тиклаш муҳитини яратди.

Буюкбритания қўшинлари Шимолий Ирландияга 1969 йилнинг август ойида, у ердаги католиклар ва протестантлар ўртасидаги тўқнашувлар рўй берганидан сўнг юритилган эди. Уша вақтда қўмондонлик вакиллари бу операция бир неча ой давом этади, холос деб ўйлашганди. Шимолий Ирландиядаги 38 йилги операцияси давомида Буюкбританиянинг 763 нафар аскарлари ҳалок бўлган. Эслатиб ўтамиз, 2007 йилнинг май ойида Шимолий Ирландияда Буюкбританиянинг тўғридан-тўғри ҳўмонронлиги тугатилган. Беш йиллик танаффусдан сўнг ирландларга ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи қайтарилди.



## Лейбористлар олға



Буюкбританиянинг лейбористлар партияси жорий йилнинг октябрида ўтказилиши режалаштирилган навбатдан ташқари парламент сайловларига тайёргарликни бошлади. «The Times» нашрида ёзилишича, айнаи дамида лейбористлар партияси раҳбарияти партия кассасига маблағ тушириш бўйича музокараларни бошлаб юборган. Таъкидлаш лозимки, Буюкбританиянинг янги бош вазири Гордон Браун режалаштирилган навбатдан ташқари парламенти сайловларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Маълумотларда айтилишича, лейбористлар вакили бўлиши Г. Браун ўз ҳамфиқрларига тез орада партия тизимини тўлиқ тахлил қилишни топширган. Узи эса сайлов олди дастурини ёзишга киришган.

## Шартлар бажарилди

Тонго давлати Жаҳон савдо ташкилотининг 151-аъзоси сифатида қайд этилди. Тинч океанининг 170 оролида жойлашган ушбу митти давлат 2005 йилнинг ўзида ЖСТ билан аъзолик хусусидаги барча шартларни муҳокама қилиб бўлган, лекин шартномани ўтган ойда ратификация қилди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги. Тонго давлатига ЖСТга аъзо бўлиб кириш учун мамлакатда импорт товарларнинг тўлов микдорини 20 фоиздан 15 фоизга қисқартириш ва санаот корхоналарига ажратиладиган субсидияларни камайтириш шартлари қўйилганди. Бу шартларни бажаришга Тонгога икки йил керак бўлди. Таъкидлаш лозимки, 2005 йили Тонгонинг ЖСТга аъзо бўлиб кириши шартлари «Oxfam» халқаро мустақил мутахассислари томонидан кескин танқид остига олинганди. Чунки, давлат бюджетига тушадиган даромадларнинг аксарияти импорт устамалари билан боғлиқ бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, бу устамаларнинг қисқартирилиши давлат бюджетининг солиқини-саклаш, таълим ва бошқа ижтимоий соҳаларга ажратиладиган маблағлар камайтирилишига олиб келиши мумкин.



## 20 йилга қамалди

Туркменистон президентининг собиқ хавфсизлик хизмати бошлиғи Акмурад Реджепов ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда коррупция ва бошқа жиноятларни содир этганида айбдор деб топилиб, 20 йилга озодликдан маҳрум этилди. «Янгиликлар вақти» ахборот агентлигининг хабар беришича, айнаи шундай айбдовлар билан унинг ўели, Туркменистон махсус хизмати полковниги Нурмурад Реджепов 13 йилга ва «Ориентал» компаниясининг собиқ раҳбари Мурад Агаев 17 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Таъкидлаш керакки, Акмурад Реджепов 17 йил давомида марҳум Сапармурат Ниязовнинг хавфсизлик хизматини бошқарган. Уни Туркменистонда мавқеи ҳижатдан иккинчи ракамдаги шахс деб билишган ва кўшарнинг назарида А.Реджепов Ниязовдан сўнг президентлик курсисини эгаллаши мумкин эди. Бироқ, Республикада ҳокимият ўзгарганидан сўнг, А.Реджеповга нисбатан муносабат ўзгарди. 2007 йилнинг май ойида янги президент Гурбангули Бердымухамматовнинг инаутурациясидан кейин А.Реджепов ўз лавозимидан озод этилди. Кейинчалик, Реджепов, унинг ўели ва бошқа юқори лавозимларда ишлаб келган шахслар ҳибсга олинганлиги тўғрисида маълумот тарқалди. А.Реджеповга яқин бўлган тadbirkor Мурад Агаев, собиқ хавфсизлик хизмати бошлиғи ўз лавозимидан озод этилишидан бир кун олдин ҳибсга олинганли. Ахборот агентлигининг ёзишича, С.Ниязов ҳокимияти даврида Мурад Агаев республикада тамаки ва алкоголь маҳсулотлари экспортини назорат қилган.



## Юлдуз сўнмаса эди

Болливуд юлдузи Санжай Датт 1993 йил 12 мартда Мамбаи шаҳрида террорчилик ҳаракатларини амалга оширган жиноятчилардан қурол сотиб олганлиги учун олти йил қамоқ жазосига маҳрум этилди. «BBC News» ахборот агентлигининг хабар беришича, суд актриса террорчилар билан жинсий тил бириктирганлик билди бўйича оқлади, лекин ноқонуний равишда қурол сотиб олиш ва сақлаш бўйича айбловлар тўлиқ ўз нсботини топди. Суд Даттнинг адвокати томонидан унинг гаров эвазига очкида қолиши ҳақида ёзган илтимосномасини рад этди.

«Reuters» ахборот агентлигининг хабарига қўра, актриса ҳўк ўқилгандан сўнг, бу ҳолат Болливуд киноси шинавандалари қаторида кескин танқидга учраган. Ҳозирда 47 ёшли актрё ижросида бир нечта фильмлар олинмоқда, уларга миллионлаб доллар микдорда маблағлар сарфланган.



Эслатиб ўтамиз, 1993 йилда содир этилган ўша террорчилик ҳаракатлари оқибатида 257 киши қурбон бўлганди. Ҳиндистон суди тарихида энг узок вақт давом этган мазкур иш юзасидан етти нафар айбланувчи ўлим жазосига маҳрум этилган.

## Ўз чўнтагидан

Эстония президенти Тоомас Хендрик Ильвес ўз дам олиш кунларини ўтказадиган мамлакатдаги Эрма кишлоғи жорий йилнинг кузидан бошлаб сайёҳлар учун ёпилади, деб хабар қилади «Газета.Ру» ахборот агентлиги. Президент рафикаси Эвелин Ильвеснинг маълум қилишича, Тоомас Хендрик Ильвес бутун дам олиш мажмуасини яқин беш йилга ижарага олади ва бу учун сарфланадиган пулларнинг барчасини президент жаноблари ўз чўнтагидан тўлар экан.

Ҳозирча, Эрма кишлоғини Ильвеслар оиласи учун Эстония газнаси ижарага олган. Мамлакат президентининг ватани ҳисобланмиш Эрма кишлоғи жуда хушманзара жой бўлиб, кўплаб сайёҳлар у ерларда дам олишади.



## 500 миллионлик кредит

«Белта» ахборот агентлигининг хабар беришича, Венесуэла ҳўкумати Белорусга 15 йилга 3 фоиз билан 500 миллион доллар микдорда кредит ажратишга қарор қилган. Венесуэла ҳўкумати ушбу тақлифи Белорус раҳбарияти томонидан жуда илиқ кутиб олинди. Мамлакат бош вазири ўринбосари Владимир Семашконинг айтишича, Белорус-Венесуэла ўртасидаги қўшма корхоналар айнаи шу маблағдан пул олади, шу сабаб бу йўналишдаги лойиҳалар аниқ ва виждонан бажарилиши лозим. Белорус ҳўкумати венесуэлалик ҳамкорлари билан биргаликда нефть захираларини аниқлаш, казиб олиш ва қурилиш йўналишида иш олиб боришни режалаштирмоқда.

30 июл куни Белорус ҳўкумати Россия билан бир ярим миллиард доллар микдордаги кредит олиш бўйича олиб борган музокаралари самара бермаганлиги маълум бўлди.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Ильв КИМ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Талабалик йилларимиз Собиж Иттифоқ даврида кечган. Минг мартабала «пұл палак», таңга касофат» дейилгани билан бар-бир бизга ўшаган талабалар পুল танқислигидан азоб чекар, уйдан পুল сўрагани исти-хола қилиб бўш вақтларимизда, айниқса шанба, якшанба кунлари мардикор тушиб পুল ишлардик. Бир кунлик иш ҳақи ўша пайтларда ўртача ўн беш рублни ташкил этарди. Мардикор бозори, яъни «Бобой трест» ёхуд сал маданийроқ номи ТошМИ (Тошкент мардикорчилик институти) «Гунча» кинотеатрига етмасдан катта кўприкнинг тағида эди. Бу бозор ўша пайтларда асосан тахта, болор текислайдиган уста буваларнинг йиғилишадиган жойи бўлгани учун «Бобой трест» деб номлангандир. Яна ким билади дейсиз.

Ушбу бозорни таърифлаб шеърлар ҳам ёзганман:

«Хар кун булда қизини бозор, бобой трест.  
Кимларга кенг, кимларга тор, бобой трест.  
Ўн беш сўмга ҳар не ишни бажаришдан  
Ҳеч ким булда қилмайди ор, бобой трест.

Шундай дея курсдошларим таърифлашди,  
Эшитганда эсим учди, ақлям шошди.  
Кўз ўнгимда қозон қайнаб, овқат тошди,  
Йўлга тушдим эрта наҳор, бобой трест.

Чорсудан ҳам ўтиб бордим трамвайда,  
Одамлардан суриштирдим,  
«ТошМИ» қайда?  
Айтдилар-ки, кўприк ости деган жойда,  
Етиб бордим эрта наҳор, бобой трест.

Зиналардан бир-бир босиб, тушиб бордим,  
Иш борми деб одамларга кўнгли ёрдим.

аралаштирганимиз заҳоти тайёр қоришма-нинг ўзи шигиллаб опалубканинг ичига ту-шиш кетаверарди. Тушлик пайти дамлганан бир қозон паловни паққос туширдик. Ҳофиз аканинг тоғаси ва бир пайтинг ўзида унинг иктисодий масалалар бўйича муовини бозордан олиб келган иккита узун-узун Мир-зачўл қовунларини тиликлаб бериб турди. Ундан ҳам асар қолдирмадик. Аммо тушлик-дан кейин ишимиз юришмади. Бор-йўғи 5 машина бетон келди. Охириги машина ҳай-довчиси биуртманинг қолгани эртага кели-шини, чуқи заводда цемент туғаб қолганини айтиб жўнаворди. Соат эндигина 4 бўлаётгани қарамасдан уста бизга жавоб берди ва ҳар биримизга 25 рублдан тўтқазди.

— Бу қанақаси, — дедим мен, — ахир биз 14 машина бетон олдик. Машинасига 25 рублдан келишганмиз, ҳаммаси бўлиб 350 рубл бўлади-ку.

— Мен сизлар билан кунбай 25 дан гап-лашганман.

Шовқинни эшитиб тоға ёни-мизда пайдо бўлди.

— Нима шовқин, нима бўлди ўзи?

— Бозорда бетонни машина-сига 25 дан келишганмиз. 14 машина бетон олдик. Бунга 350 рубл тўлашни керак. Уста эса бизнинг ҳар биримизга 25 рублдан бериб, 275 рубл ҳақимизни уриб қоляпти. Тўғри, фалончи ҳофизниқиди ишлайсизлар, পুল бермайман, ҳашар, деганида ҳам бошқа гап эди.

Тоға қизишиб кетди.

метр балангликка кўтариб узатишнинг ўзи бўлмайди-да. Кубасига 50 дан берилса ҳам арзийди. Аммо наилол, ишлашга мажбур бўлдик. Икки кунда тугатсақ керак деб ўйлов-дик, учинчи кунга ҳам қолди. Учинчи кун эрталаб эса хўжайин сумкасини кўтариб чиқди-ю «мен Қозогистонга ўтиб келаман» деганича жўнаворди. Энди нима қиламиз, кутиб ётаверамиз, ишни тугатган পুলни бизга ким тўлайди? Хотини «мен ҳеч нарса-дан хабарим йўқ, хўжайин পুল қолдириб кетмадилар» деса нима қиламиз, деган ўйда бетон қораётганимизда хўжайиннинг хотини Азамат ақани чақириб қолди.

— Бир минутга ёрдан бериб юборинг.

Азамат ака унинг ёнига кетди-ю, бир қанча вақтдан кейин қизариб-бўзариб қай-тиб келди.

— Сизга нима бўлди?

— Бу хотин шаллақи шекилли. Аввал ши-фонерни сурайлик, столни олиб бошқа жой-

нам урди-ки, хотини думалаб ариқча кириб кетди. Чоллар «вой падарлаьнати» дейиш-ганча юзларини тескари ўғтириб олишди. Хотин ариқча думалаётганда қўйлагининг этаги бўйингача кўтарилиб қолган, ички кий-имлари йўқ эди. Эр гавдаси билан уни тўсди-ю, этагини туширди, сўнгра сочлари-дан бураб, судраб уйига киргизиб ташлади. Хотин сумканинг зарбидан «нокаут» бўлиб қолган шекилли, нималар бўлаётганини ан-гласмасди. Менимча, эр-хотин ичирилмиш бо-лаган кунлардаёқ ёлланма шуриларни «чув» тушириш йўларини Узаро келишиб олиш-ган. Белгиланган иш ниҳоясига етай деб қолганда эр кўшинсиникида яшириниб тур-ган, хотин ишчилардан биронтасини авраб ётоқхонасига киритган ва дод-вой солган. Қўрқиб кетган ишчилар ҳақидан воз кечиб



# Бобой трест

Ҳеч ким келиб сўрамади менинг дардим,  
Қанча куним ўтди бекор, бобой трест.

Баъза кунлар иш топилади бахтим кулиб,  
Гоҳ лой қилдим, гоҳи бетон тўрт буқялиб,  
Бир сўм ортққ беришмади раҳми келиб  
Хўжайинлар кўпи бадкор бобой трест.

Одамлар хайматида юрган пайтларимиз-да кўпгина ажойиб ва гаройиб воқеаларни бошдан кечирганмиз-ки, уларнинг баъзилари-ни эътиборингизга ҳавола қилишни лозим тоғдим.

Шанба кунларининг бирида уч йигит бозорда тургандик, ўрта ёшлардаги бир амаки бизга яқин келди.

— Бетон қуовчилар керак эди.

— Бўлди ака, мана биз борамиз-да. Опа-лубкалар тайёри, қоришмани ўзимиз тайёр-лайимизми ёки машинада тайёр бетон келди-ми?

— Опалубкалар тайёр, машинада тайёр бетон келтирилади.

— Машинасига 25 дан тўлайсиз, бозор-нинг нархи шунақа, — дедим мен, аммо «20 рублдан берса ҳам бораверамиз», деб қўнғилданмиз ўтказиб қўйдим.

— Розиман, юринлар, — деди у ва бизни ўзининг тангага ўшаган эски ГА3-21 маши-насига ўтиришга маънафидан олиб келди. Ҳо-влиқунора радио, телевизорларда чиқиб қил-диган таниқли бир ҳофизга қарашли бўлиб, уста унинг қурилишини кўтара савдо қилиб олган ва ҳар кун бозордан одам келтириб ишлатаркан. Чой-пой ичиб олиш учун ўтири-ганимизда елкасига беқасам тўн ташлаб ҳофиз уйдан чиқиб келди. Донг қотиб қолдик. Шун-дай таниқли одамнинг уйда ишлаш бахтига муюсар бўлганимиздан илҳомланиб кет-дик-ми, тушликка 9 машина бетон олдик. Каттамыз, йиғирма бешларга кирган Азамат ака кўни кўрган, қалин тунуканинг бир че-тини опалубкага илаштириб, шундай ўрнатар-дики, унинг устига ағдарилган бир машина бетонга озроқ сув қўйиб белқурак билан

— Сен аблаҳ биздан পুলни тоғдай қилиб олгансан. Нега талабаларнинг ҳақидан уриб қолсан? Утган сафар ўрис болалар, ундан аввал бир гуруҳ нега ишни ташлаб кетиб қолгани сабабини энди тушундим. Бугун сен билан ҳисоб-китоб қиламан, — деди у уста-га, сўнгра бизга юзланди: — Қани, уста берган পুলни қайтаринглар. У қўлимиздан учта 25 талиқни олиб, тўртта юзталиқ тутқаз-ди: — Уч юз эллиги иш ҳақи, қолган эллиқ рублига таксиди кетиб, эртага эрталаб так-сиди келасизлар. Соат саккизда шу ерда бўлинглар. Соат тўққиздан бетон кела бош-лайди, сизларнинг ишлашингиз ҳам, овқат ейишингиз ҳам менга маъқул бўлди.

Эртасига бизни тоға ва янги уста кутиб олди. Биз ҳам кўрсатилган эътиборга лойиқ бўлиш учун яна бир ҳафта давомиди жони-мизни жабборга бериб меҳнат қилдик ва шунга яраша ҳақимизни ҳам олдик. Устани эса кейин яна бир неча марта Бобойтрестда учратдим. Соч-соқоли ўсиб кетган, афт-ан-горига қараб бўлмайди, чўнтагида яримта «Портвейн». Пешона терини тўкиб нон топа-диган меҳнатқашларнинг ҳақидан уриб қолиш одами не қўйларга солиши мумкинлигига шунда амин бўлганман.

Бошқа бир сафар бизни бетон қилишга унинг эгаси олиб кетди. Қоришмани ўзимиз тайёрлайдиган бўлдик, хўжайин эса қўйилган ҳар кубометр бетон учун 25 рублдан тўлай-диган бўлди. Ҳовли Тошкент вилоятида экан, туш пайти етиб келдик. Қизиги шундаки, ҳовли икки метр балангликда қалин паҳса девор билан ўралган бўлиб, унинг ўн икки метри устига эни қирқ сантиметр, балангли-ги ярим метр опалубка ўрнатилган эди.

— Шун бозорда айтмайсизми ака, — деди каттамыз Азамат ака.

— Опалубка тайёр деб айтдим-ку, — ўзини тушулмаганга олди хўжайин, — ана шағал, ана кум, секин ишлайверасизлар.

Ишлашга-ку ишлайверамиз, аммо бе-тонни ерда қориб, кейин челақка солиб икки

га қўйлик деб баҳона қилиб бир вақт менга тармашиб олди. Хўжай-иним Қозогистонга кетди, бир-икки кунсиз келмайди. Аслида у ишга яроқсиз бўлиб қолган. Сизлар мана ишни тугатяпсизлар, мениям хурсанд қилиб кетасиз деб юз-кўзимдан ўтиб ташлади. Бир соатдан кейин келасиз, жой тайёрлаб қўяман деди.

— Тўхтанг, агар бу фибригарлик бўлса-чи... Дод-вой қилиб маҳалла-қўйни тўтласа-чи... Мелиса чақираман деса-чи... Қилган шунча ишимизга тўланадиган ҳақдан воз кечиб қочамизми?

Бошимиз қотиб қолди.

— Сизлар ишлайверинглар, — деди Аза-мат ака, — мен сездирмайгина бир айланиб келай, маҳалланинг чойхонаси ёки гузарни бордир.

Ўн дақиқалардан кейин у чта қария билан кириб келди. Бошига кўк салла кўндирган, аммо костюмига беш-олтита орден тақиб олган биттаси аёлни чақирди.

— Ҳой фалончи, дарҳол эрингни топиб кел. Мана энди ҳаммаси кафдагидек аён бўлди. Ҳовлингга ишлаган ишчиларнинг ҳақ олмай қочиб кетишига сен сабабчи экансан. Эрингни топ, йўқса қишлоқдан ҳайдаттириб юборамиз.

Хотин нима гап бўлганлигини англаб етди шекилли, қўшиникига қараб бир овоз қил-ган эди, эри зум ўтмай кириб келди.

У хотиннинг дод-вой солишини кутиб, қўшиникида шаҳмат сураётган экан. Қўли-да ҳасса тутган иккинчи чол унга ҳасса билан дағдаға қилди.

— Сен ҳезалак уйингда ишчи ишлатиб ҳақини хотининг бил тўларканса-да.

— Нималар деписиз, озингизга қараб гапиринг.

— Ана хотинчанг ишчилардан бирига ёи-шибди, эрим кучдан кетган, ярамай қолган дебди.

Хўжайин нима қўлини бўлса-да ўзини оқлаш лозимлигини тушиниб етди. Қўлида-ги сумкаси билан хотинининг бошига чўно-

қочиб қолишган.

Аммо «бир хотиннинг мақри етмиш шай-тонга юк бўлади», деганларидек, бу хотин-бойувчча шалпонқулоқ эрининг ҳам «қулоғи-га лағмон осган», яъни кўпгина ҳолларда қўзига иссиқ кўринган ишчи йигит билан аввал қўлгилкини қилиб, нафсини қондирган, «номусимга тажовуз қилмоқчи бўлди», деб дод-вой солган. Бу сафар ҳам Азамат ака билан худди шундай ҳолат назарда тутилган, жой солаётганда ўзи ҳам ички кийимларини ечиб тайёрларлик кўрган. Аммо чоллар да-дага билан кириб келганда шошилиб устига битта қўйлагини кийганча отилиб чиққан кўри-нади.

Хўжайин уйдан чиқаркан ордендор қария қичқирди:

— Ҳозир болаларнинг ҳақини бериб, жўна-тиб юбор!

— Иш ҳали тугагани йўқ-ку.

— Қолган икки метрига ўзинг бетон қўйиб оласан, — деди у сўнгра қўшиб қўйди: — Қайси ахмоқ паҳса девор устига бетон қуй-диради.

Хўжайин ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб қўлимизга 20 рублдан тўтқазди. Кетишимиз-да чоллардан бири бизга раҳми келганидан-ми ёки маҳалласи юзига чаплаган қорани ювиш мақсадидами бизга юзланди:

— Эртага кўприк тағига тушманлар. «Гун-ча» бекатида туринглар. Саккиз яримда мо-шина боради. Гузарни тазмирлаймиз.

Эртасига кун бўйи Гузардаги турли иш-ларни бажардик. Тушликка хонадонлардан турли-туман овқатлар чиқди. Кечқурунға қўй гўшти-қўй ёғидан, девзира гуручдан чойхо-на палов тайёрланди. Қўлимизга ўн беш-ўн бешдан পুল теғди. Эшитишимизча, хўжайин ўша кун кечқурун хотинини роса дўппослаб ота-онасиникига обориб ташлаган, сахар пайти маҳалла мачитига, чолларнинг олди-га чиқиб, ҳовлисини сотувга қўйиб, Чим-кентга, қариндошлариникига жўнаворган эмиш.

Йўлдош ПАРДА

**Huquq**  
yuridik gazeta

**То'сисчи:**  
**О'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hoy'ati:**  
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV,  
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALKI, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV,  
Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 133-98-82,  
133-10-53.  
E-mail: huquq97@mail.ru  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatish shart. Tijorat ahariyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Γ — 755. 22 037 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV**  
**Musahih: A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshiriddi: 1 345 678